



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎТЎМОЎ-СИЎСИЎ ГАЗЕТА

Shu aziz Vatan — barchamizniki

• 2008-yil • 26-yanvar • Shanba • 12 (27.817) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

САМИМИЙ ҚЎТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қўтловларимни изхор этиш ва Ўзбекистоннинг Жаноби Олийлари раҳбарлигида бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига тилакдош бўлиш шарафига муяссарман.

Шуни зўр мамнуният билан маълум қилишга ихозат бергайсизки, 2007 йилнинг апрелида Сиз, Жаноби Олийлари билан учрашувдан сўнг мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлигини фаоллаштириш ва мустақамлаш ишидаги муҳим омили — икки томонлама Инвестиция битими тузиш бўйича музокаралар жараёни бошланди, учрашувимиз давомида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Мен ҳам Япония билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида бор куч-ғайратимни сарфлагга тайёр эканлигимни билдираман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам сўхат-саломатлик ва кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Акира АМАРИ,
Япония иқтисодиёт, савдо ва санот вазир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
2007 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида буюк мамлакатингизга ташриф буюриш мен учун улкан шараф ва имтиёз бўлди. Мен Ўзбекистондаги сайлов ва Сизнинг раҳбарлигингизда шакллантирилган демократик маданият тўғрисидаги кузатувларимни энг нуфузли ҳамда кўп нусхада уру ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Nawa-i-Waqt» ҳамда «The Nation» газеталарида баён этдим.

Мен шундай хулосага келдимки, Ўзбек замини Амир Темурдан сўнг Ўзбекистонга мусулмон бирдамлигини берган ҳамда унинг янги қиёфасини яратган Ислам Каримовдек иккинчи буюк етакчини дунёга келтирди.

Мен шунга гувоҳ бўлдимки, Сизнинг раҳбариятингиз Ўзбекистон халқини қаҳрамонона ва сидқидилдан меҳнатга илҳомлантириш, бу оса хар қандай миллат учун уйғониш ва ривожланиш шарти, тараққиёт ва улғуворликни таъминлаш учун тарихий зарурият ҳисобланади.

Ўзбекистон меъёр, маърифат ва демократик маданият намунаси бўлиб, мусулмон оламида буюк мамлакат сифатида ўз тараққиётини давом эттиришига ишонч билдиришга ихозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари,

Хиндистонда бобурийлар шажарасининг асосчиси Заҳириддин Бобур мусулмон мамлақати сифатида Покистоннинг асосига тамал тошини қўйган Ўзбек етакчиси бўлган.

Шу муносабат ила мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш мақсадида Заҳириддин Бобурнинг таваллуд кунларини хар йили Покистон ва Ўзбекистонда нишонлашни таклиф қилишга жўрат этаман.

Мен Сизнинг икки томонлама муносабатларимизни, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда улкан муваффақият бўлган Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ҳаво алоқасини очиб ишидаги буюк хизматингизни ва узоқни кура билишингизни юксак қадрлайман.

Ишончим комилки, минтақанинг икки энг муҳим давлати ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик минтақда тинчлик, раванк, тараққиёт ва ривожланиш учун ниҳоятда зарурдир. Яна шуни таъкидлашга ихозат бергайсизки, мамлакатларимизнинг Афғонистонда тинчликни таъминлашга бераётган кўмаги бутун минтақа учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга бундан буён ҳам фол ҳисса қўлишга тайёрман, деб Сизни ишонтириб айтишга ихозат бергайсиз.

Биродарингиз,

Зафар БАХТАВАРИ,
Покистон маданияти форуми Президенти

(Давоми 2-бетда)



Тиббиётимиз жонқуярлари

— Республикаимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида, — дейди Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо маҳалласида жойлашган 39-оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Шермухаммедова, — соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни оилада, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш вазифаларни қўйилган. Айни шу нуқтаи назардан, биз, 30 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатувчи ўз шифо масканимизда нафақат беморларни даволаш ва улар ўртасида профилактика ишлари олиб борамиз, балки хонадонларда, боғча ҳамда ўқув даргоҳларида тиббий маданият тарғиботи мавзуйда тушунтиришлар, сўхбатлар ҳам уюштирамиз...

жаҳон тиббиёти таҳрибалари, мукамал даволаш усуллари бизда ҳам ўз самарасини берапти... Хизматимиздан мамнун бўлган жамоатчилик ва маҳалла аҳли ҳам қараб турганича йўқ. Яқинда поликлиникамиз биноси «Меҳр нури» жамғармаси ва маҳалла ҳомийлигида шина таъмирдан чиқди. Жамғарма «Тез ёрдам» хизмати учун «Дамас» русумли автомашина ажратди. Мақсад — ҳаммамиз — халқимиз сўхат-саламатлигини сақлашдек ҳам хайрли, ҳам савобли ишга ҳисса қўиш...

Дароқе, мазкур оилавий поликлиниканинг «Соғлом она — соғлом бола» хонасида бўласизми ё кундузги шифо бўлимига кирасизми, беморлар эмланаётган бўлмагани, даволаш-гимнастика залигами, ҳаммасида энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, янги-янги мебеллар ва маиший

техника воситаларини кўрасиз. Уларда туну кун эл соғлиги йўлида жонбозлик билан хизматда турган Шоира Муҳиддинова, Хосият Абдуллаева, Моҳира Шерматова, Муниса Назарова, Маъмура Мирхамидова, Камола Саримсоқова сингари ўнлаб саломатлик посбонларига рўпара келасиз. Улар меҳнатини кўриб, кузатиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар жадал бораётганидан, тобора чуқур-

лашаётганидан ва давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган Фармони ихроси йўлида шифо масканларида Давлат дастури йўналишлари изчил амалга ошаётганидан қалбингизда ажиб мамнунлик туясиз.

Суратларда: пойтахтимиздаги 39-оилавий поликлиника шифокорларининг кундалик хизмат фаолиятдан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ
олган суратлар.



16 йил — 30000000 йўловчи

Ўтган йили «O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпанияси томонидан 22935 катнов, шунингдек, 297 та чартер катнови бажарилди, қарийб 2 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди.

Сохта диплом ва қалбаки ҳужжатлар

билан кўш тендер голиби бўлган шоввоз ҳақида

Жиноят ишлари бўйича Сарийосиё туман суди ўзининг ўтган йил 8 августдаги ҳукми билан Абдурашул Йўлдошевни юқоридаги ҳужжатларни сохта-лаштиришда айбли деб топди.

Шерали Жўраев:

«Рақобатдан кўрсам, курашни танламасдим»

— Болалигимда Баҳром полвон Авазовга жуда ҳавас қилардим. Ўзим гиламга чиқа бошлагач, билдимки, голиб бўлиш, ишқибозлар меҳрини қозониш осон эмас экан.

✓ 28 январь — Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» (1992 йил) ташкил этилган кун

16 йил — 30000000 йўловчи



1992 йилнинг ушбу санасида Юртбошимиз Фармонига кўра, мустақил давлатнинг миллий авиашувчиси сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ташкил этилган эди. Айтиш керакки, ҳукумат мадади, авиакомпания раҳбарияти ва жамоасининг сазй-ҳаракати туфайли қисқа муддатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳон авиацияси бозорида нанки мустақам мавқени эгал-

лади, балки ишончли ҳамкор сифатида ҳам эътироф этилди. Йўловчиларнинг миллий авиакомпания катновларидан кўпроқ фойдаланаётгани ҳам бежиз эмас. Чунончи 16 йил давомида 30 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда бортида Ўзбекистон байроғи акс эттирилган ҳаво кемалари дунёнинг 45 та йирик аэропортига парвоз этмоқда.

Ахборот-услугият кенгашининг йиғилиши

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ахборот-услугият кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми Хайъати қарори билан тузилган ушбу кенгаш зиммасига партияимиз тизимида фаолият кўрсатаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ахборот ва услубий кўмак бериш вазифаси юкланган. Йиғилишда кенгаш аъзолари, партия фаоллари, Марказий Кенгаш экспертлари, жамиятшунос олимлар ва бошқалар барча даражадаги партия кенгашлари қошидаги сиёсий семинарларнинг жорий ўқув йили иккинчи ярми учун мавзулари режаси лойиҳасини муҳокама қилдилар. Шунингдек, айрим бошланғич партия ташкилотларида тажриба сифатида ўтказилган машғулотлар мавзулари режаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар муҳокамаларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олинган ҳолда маъқулланди.

Йиғилишда иштирокчилари Ахборот-услугият кенгашининг 2008 йил биринчи ярми учун иш режасини тасдиқладилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева олиб борди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёллари учун олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллашнинг тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев маъруза қилди.

2-бет

«Жило файз»нинг жилвали жиҳозлари

мижозларга манзур бўлмоқда. Амалдаги йилда фирмада 100 нафар кишига янги иш ўринлари яратилиб, хорижга «Ўзбекистон» тамғаси билан маҳсулот экспорт қилиш ҳам мўлжалланган.

Бойсундикларнинг темирчилик, сандикчилик, дурадгорлик соҳасидаги қадим анъаналарини бугун уларнинг авлодлари давом эттиришмоқда. Тушман марказида жойлашган «Жило файз» хусусий фирмасида ҳозир 20 турдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Агар 2006 йилда

бу ерда 350 миллион сўмга яқин жиҳозлар тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 546 миллион сўмдан ордиди.

— Айни кунларда фирмаимизда 60 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Баҳриддин Маматов. — Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. 2008 йил — Ёш-

лар йилида 100 нафар ёшларга янги иш ўринлари яратмоқчимиз. Бунинг учун Япония ва хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бу мамлакатлардан 200 минг долларлик ускуналар олиб келаимиз. Шундан сўнг корхонада шифер ва гишт ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўямиз.

(Ўз муҳбиримиз).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари,
Ассалому алайкум,
2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок эттиш учун Ўзбекистонга таклиф қилинишим менга гоят катта шараф ва имтиёз бўлди.

Энг аввало, Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли галабанинг муносабати билан гоят қизгин қутловларим ва самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ғарбнинг баъзи оммавий ахборот воситалари ва кузатувчилари Сизга сайловчилар томонидан берилган юксак ишончга ҳайрат билан муносабат билдирди. Шу боис, тўлиқ ишонч ила айтаманки, мазкур холис кўрсаткич Сизнинг Ўзбекистон халқи ўртасидаги улкан обрў-этиборингиздан ва 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб халқингиз олдидаги, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, шунингдек Ўзбекистонга ташриф буюрганларнинг барчаси ўз кўзи билан кўра оладиган тарихий обидаларни янгилаш ва қайта тиклашдаги улкан хизматларингиздан яққол далолат беради.

Президентлик лавозимида Сизнинг навбатдаги муддатда Ўзбекистон халқига худди шундай садоқат билан хизмат қилишингизда Сизга Яратгандан сўхат-саломатлик ва куч-қувват ато этишини илтижо қиламан.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ишларни амалга ошираверишингизга ишончим комил. Зеро, биз нафақат яқин кўшнилари, балки кўп асрлик муштарак меросга ҳам эга халқларимиз.

Жаноби Олийлари,
Мен сайловнинг адолатли ва ошқора тарзда ташкил этилганини юқори баҳолайман ва ўзимнинг таҳсин сўзларимни изҳор этмоқчиман. Сайловнинг осейишта ва ошқора муҳитда ўтказилиши учун барча қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Покистон сайлов комиссияси мамлакатингизда сайлов ўтказиш тажрибасидан кўп жиҳатларни ўрганиб, ўзида татбиқ этиши мақсадга мувофиқдир, мен бу ҳақда ҳукуматимиз раҳбарига нома ёзиб обдордим.

Тошкентда бўлган вақтимда Ўзбекистон ҳукумати менга кўрсатган самимий меҳмондўстлиги учун чўқур миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Яна бир бор Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига навбатдаги муддатга муваффақиятли қайта сайланганингиз муносабати билан муборакбод этиб қоламан.

Қамоли эҳтиром ва энг эзгу тилаклар ила, Самимий биродарингиз,
Д-р Анвар СИДДИҚИЙ,
Халқаро Ислом университети
Президенти



Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 декабрда қабул қилинган қароридан чет эллик инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган мол-мулк божхона божидан озод этилишига оид имтиёзни устав фондида хорижий инвестор улуши камидан 33 фоиз бўлган корхоналарга қўллаш белгиланган эди. Шу боис, божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилловчи қонунчилик нормаларини амалда бир хилда бажарилишини таъминлаш мақсадига, «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига ҳамда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда.

Фракция йиғилишида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йил 3 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва биринчи ўқишда муҳокамага қўйилган Ўзбекистон Республикасининг Коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотидан иштироки билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди.

Депутатлар ЎзХДП фракцияси фаолияти, қонун яратувчилик ишидаги фаоллик

масалаларини муҳокама қилдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан қўлга киргани сиёсий партиялар, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам замин яратди, масъулиятини оширди. Қонунда сиёсий партиялар фракциялари тушунчаси тўлиқ очиб берилди, уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланди. Шу боис, ЎзХДП фракцияси партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ўз фаолияти самарадорлигини янада ошириши, қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида депутатлар фаолигини кучайтириши, уларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиб таклиф ва ташаббуслар билан чиқишларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Имкониятлар кенгаймоқда

Навоий шаҳрида «Бахт-текстиль» Ўзбекистон — Россия — Лихтенштейн қўшма корхонаси иш бошлаганига икки йил бўлди. Шу давр ичида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошди.

2007 йилда бу ерда икки минг тоннадан ортиқ ип йиғирилди, 5 миллиард сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада тайёрланаётган қалава-ип асосан ҳорихга экспорт қилинмоқда.

— Корхонамизнинг иккинчи навбати қурилиши давом этмоқда, — дейди қўшма корхона директори Қобулжон Турсунов. — Айни пайтда бу ерда замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар монтаж қилинмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 3900 тонна пахтадан қайта ишлаш имкони яратилади, ишчи-хизматчиларимиз сони 300 нафардан ошадди. Келгуси йилдан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарадиган трикотаж фабрикаси қурилиши бошланади.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

16 йил — 30000000 йўловчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухим сана арафасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва келгуси режаларни тузиш яхши анъанага айланган. 2007 йил «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг кўпминг сонли жамоаси учун энг самарали йиллардан бири бўлди дейиш мумкин. Май-июнь ойларида «Боинг» авиация-космик корпорацияси билан иккита «Боинг-787» «Dreamliner» ва «Эрбас» консорциуми билан олтига А320-200 ҳаво кемаларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди. Бундан ташқари авиаконструкция республикамизда ишлаб чиқарилган туртта «Ил-114-100» самолётини олади. Бу ақин келажакда халқаро бозорда миллий авиациянинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда Тошкентдан тўғридан-тўғри қатновлар сонининг орттишига имкон беради.

Шунингдек, Навоий аэропорти учинчи йўлкаси фойдаланишга топширилиб, «Қарши» ва «Наманган» аэровокзал мажмуаларининг капитал реконструкциядан чиқарилиши ҳам аҳамиятли воқеалардандир. Эндиликда вилоят аэропортлари томонидан кўрсатилаётган барча хизмат турлари халқаро талабларга тўла жавоб беради. Янгилашган аэровокзал мажмуалари зарур назорат ва технологик ускуналар билан жиҳозланди. Вилоят ҳаво масканлари ходимлари ишини энгиллатиш мақсадида йўловчиларни автоматик равишда «руйхатдан» ўтказиш тизими жорий қилинган иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозир республиканинг барча аэропортлари «Боинг-757/767», «Ил-76» (юк ташувчи) каби кўплаб турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиб, хизмат кўрсатаяётган ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва қатновлар сонини ошириш имкони беради. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишини такомиллаштириш, кўп ташишни ташкил этиш ва МДХ давлатлари авиаконпанияларини ҳамкорликка жалб этиш ишлари давом этмоқда.

2007 йилда миллий авиаконпаниямизнинг халқаро парвозлар харитасида янги йўналишлар пайдо бўлди. Милан, Қоҳира, Сочига қатновлар йўлга қўйилди ва бу шаҳарларда унинг ваколатхоналари ҳам очилди. «Навоий — Москва — Навоий» йўналишининг очилиши билан Ўзбекистоннинг барча

вилоят марказлари Москва ва Россиянинг йирик шаҳарларига мунтазам қатновлар билан боғланди.

Айтиш кераки, компания жаҳон амалиётининг энг яхши тажрибаларидан фойдаланган ҳолда рентабелли рақобатбардош ва техник жиҳатдан мукамал хизмат кўрсатиши билан олтига А320-200 ҳаво кемаларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди. Бундан ташқари авиаконструкция республикамизда ишлаб чиқарилган туртта «Ил-114-100» самолётини олади. Бу ақин келажакда халқаро бозорда миллий авиациянинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда Тошкентдан тўғридан-тўғри қатновлар сонининг орттишига имкон беради.

Шунингдек, Навоий аэропорти учинчи йўлкаси фойдаланишга топширилиб, «Қарши» ва «Наманган» аэровокзал мажмуаларининг капитал реконструкциядан чиқарилиши ҳам аҳамиятли воқеалардандир. Эндиликда вилоят аэропортлари томонидан кўрсатилаётган барча хизмат турлари халқаро талабларга тўла жавоб беради. Янгилашган аэровокзал мажмуалари зарур назорат ва технологик ускуналар билан жиҳозланди. Вилоят ҳаво масканлари ходимлари ишини энгиллатиш мақсадида йўловчиларни автоматик равишда «руйхатдан» ўтказиш тизими жорий қилинган иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозир республиканинг барча аэропортлари «Боинг-757/767», «Ил-76» (юк ташувчи) каби кўплаб турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиб, хизмат кўрсатаяётган ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва қатновлар сонини ошириш имкони беради.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишини такомиллаштириш, кўп ташишни ташкил этиш ва МДХ давлатлари авиаконпанияларини ҳамкорликка жалб этиш ишлари давом этмоқда. Ҳозир республиканинг барча аэропортлари «Боинг-757/767», «Ил-76» (юк ташувчи) каби кўплаб турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиб, хизмат кўрсатаяётган ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва қатновлар сонини ошириш имкони беради. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишини такомиллаштириш, кўп ташишни ташкил этиш ва МДХ давлатлари авиаконпанияларини ҳамкорликка жалб этиш ишлари давом этмоқда.

2007 йилда миллий авиаконпаниямизнинг халқаро парвозлар харитасида янги йўналишлар пайдо бўлди. Милан, Қоҳира, Сочига қатновлар йўлга қўйилди ва бу шаҳарларда унинг ваколатхоналари ҳам очилди. «Навоий — Москва — Навоий» йўналишининг очилиши билан Ўзбекистоннинг барча

вилоят марказлари Москва ва Россиянинг йирик шаҳарларига мунтазам қатновлар билан боғланди. Айтиш кераки, компания жаҳон амалиётининг энг яхши тажрибаларидан фойдаланган ҳолда рентабелли рақобатбардош ва техник жиҳатдан мукамал хизмат кўрсатиши билан олтига А320-200 ҳаво кемаларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди. Бундан ташқари авиаконструкция республикамизда ишлаб чиқарилган туртта «Ил-114-100» самолётини олади. Бу ақин келажакда халқаро бозорда миллий авиациянинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ҳамда Тошкентдан тўғридан-тўғри қатновлар сонининг орттишига имкон беради.

Шунингдек, Навоий аэропорти учинчи йўлкаси фойдаланишга топширилиб, «Қарши» ва «Наманган» аэровокзал мажмуаларининг капитал реконструкциядан чиқарилиши ҳам аҳамиятли воқеалардандир. Эндиликда вилоят аэропортлари томонидан кўрсатилаётган барча хизмат турлари халқаро талабларга тўла жавоб беради. Янгилашган аэровокзал мажмуалари зарур назорат ва технологик ускуналар билан жиҳозланди. Вилоят ҳаво масканлари ходимлари ишини энгиллатиш мақсадида йўловчиларни автоматик равишда «руйхатдан» ўтказиш тизими жорий қилинган иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳозир республиканинг барча аэропортлари «Боинг-757/767», «Ил-76» (юк ташувчи) каби кўплаб турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиб, хизмат кўрсатаяётган ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва қатновлар сонини ошириш имкони беради.

ган муҳим қадам бўлди. Ўзбек мутахассислари ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишнинг мураккаб турларидан ҳисобланган С4-Chek (капитал таъмирлаш) ўзлаштиришди. Боз устига ўтган йили авиакорхона Европанинг авиатехникалар таъмирлаш бозорига ҳам киришга муваффақ бўлди. Илк бор Италиянинг «Air Italy» авиаконпаниясига қарашли «Боинг-757» самолётини техник хизмат кўрсатилди. Италия мутахассислари ўзбек ҳамкасбларининг малакаси ва маҳоратига тан беришди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпанияси жамоаси эришилган бу муваффақиятларнинг барчасига ҳукуматимиз раҳбарлиги ва ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи орқали муваффақ бўлди, албатта. Мана шундай қўллаб-қувватлов, шунингдек, жамоа ходимларининг фидокорона меҳнати ва



ЎзХДП фаоллари

Яхшилик юракда яшайди

Самарқанд шаҳридаги Н.Ҳожиёв номи «Эҳтиёт қисмлар» савдо маркази юзлаб тadbиркорларга қўлайлик яратиш баробарида нафақат Самарқанд, балки қўшни Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятлари аҳолисига ҳам намунали савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Бозор худудидан 343 та савдо шохобчаси бунёд этилди. Харидор ва сотувчилар учун барча шароитлар маъжуд.



Савдо марказига Заби Аҳмедов узок йиллардан буён раҳбарлик қилади. Жамоада меҳнат қилаётган 42 нафар ишчи-ҳодимнинг барчаси ЎзХДП аъзолари. Бу ердаги бошлангич партия ташкилоти олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари, хайрли тadbир ва ташаббуслар тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри билан қўлига олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам кенг ахборот берамиз.

ЎзХДП фаоли, депутат Заби ака Аҳмедовнинг ташаббуси билан яқинда Самарқанд шаҳрининг бир неча маззеларида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Партиямизнинг Экологик дастурида илгари сурилган гоялардан келиб чиқиб, вақти-вақти билан ҳашарлар уюштириб туришга келишиб олинди.

Ўзини халқнинг оддий бир вакили деб ҳисоблайдиган Заби ака одамлар билан дилдан суҳбатлашни яхши кўради. Шу боис бўлса керак, шаҳардаги «Беклар», Амир Темури номи, «3-Йўнгичқарик» каби маҳаллалардаги фуқаролар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туради. Одамларнинг дарди, қувончу ташвишлари билан яшаш унинг раҳбарлик, депутатлик фаоли-

ятида жуда қўл келади. Чунки ёнимиздагиларнинг кўнглидаги фикрларни, дardларини билмай туриб, улар билан қандай ишлаш мумкин? Халқимизнинг кўтүлгү байрамларида албатта ҳар бир маҳаллага бориб, уларни қўллаш баробарида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини одамларга етказиш ҳам унинг доимий одатига айланган.

— Бугун шундай бир шиддаткор ривожланишлар жараёнида яшаб, меҳнат қилмоқдамизки, ҳар бир фуқародан Ватанга садоқат, фидойилик ва фаоллик тўғриси билан яшаш талаб этилади, — дейди 10-Меҳрибонлик уйи директори Салоҳиддин Латипов. — Муассасамизга ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиққан депутат Заби Аҳмедовда ана шундай фазилатлар мўжассам. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг сессияларида бир неча бор аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишнинг даражаси, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болажонларнинг манфаатларидан келиб чиқадиган масалаларни кўтарди, фикр-мулоҳазалари билан жамоатчилик эътиборини жалб эта олди.

У жиҳидан ташаббус ва савобли ишлари ҳақида гапириб беришни сўраганимизда, «қилинган хайрли ишлар бировга айтилмайди, акс ҳолда миннатга айланиб қолади», дея жавоб қилди камтарона. Яхшилик аслида инсоннинг юрагидан яшайди, деганлари шу бўлса керак.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Саховат

Исфандиёр компьютерли бўлди

Олтинқўл туманидаги 49-мактабнинг иккинчи синф ўқувчиси, ногиронлиги тўғрисида уй мактабда билим олаётган Исфандиёр Нейматовга компьютер совға қилинди.

— Туманда мана шундай 41 та уй мактаби очилганми, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Анваржон Назаров. — Ҳар бир ўқувчи учун махсус ишлаб чиқилган дастур асосида дарс ўтилади. Ўқитувчиларнинг фаолиятини, болаларнинг билим олишини мах-

тўрт ой ичида «Олтинқўл дон қабул қилиш» ва «Олтинқўл пахта заводи» акциядорлик жамияти ҳомийлигида беъ нафар ўқувчини компьютер билан таъминладик. Тўққизинчи синфни битиргач, уларнинг коллежга кириб ўқиши учун ҳам кўмаклашамиз.

Мелиораторлар ўқуви



Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида марказий Фарғона худудидан жойлашган экин майдонларида шўр ювишга бағишланган кўргазмали семинар-машғулотлари ўтказилди. Тадбир иштирокчилари кишик агротехник тadbирларни сифатли ўтказишга доир тажрибалар билан танишди. Худудда шўр ювиш ишлари Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфидида Гидрогеология мелиорация экспедицияси мутахассислари катта ёрдам бермоқдалар.

— Бугунги кунда суғориш шохобчаларини тозалаш юмушларига 200 дан зиёд эскаватор жалб этди, — дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиги Аъзамжон Раҳматалеев. — Бу йил қарий 61 минг гектар майдон шўрнинг ювишимиз керак. Ҳозир бутун диққат-эътиборимиз ана шу юмуш ижросига қаратилган.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА)

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Она заминимиз ризқ, бойлик, тўкин-сочинлик манбаи ҳисобланади. Уни қанча авайлаб-асрасак, у ҳам бизни ўз неъматлари билан сийлайди. Аксинча бўлса... Мана, куз ортада қолиб, қишнинг ярми ўтибди ҳамки, Шўрчи туманидаги 45,6 гектар майдон ҳатто шудгор қилинганим йўқ. Ҳайҳотдек даланинг гўзапоёси аёзда шалвирабгина қолган. Бунинг асл сабаби — бу жой ўзининг ҳақиқий эгасини тополмагани билан изоҳланади.

Хуллас, 2005 йилнинг 24-28 декабрь кунлари тумандаги «Далварзин» ширкат ҳужалигини тугатиш бўйича тендер танловлари бўлиб ўтади. 1-7-лойиха бўйича Маматмўмин Жумаев, Туроб Аллаёров, Холбой Аллаёров ҳамда Абдурасул Йўлдошевлар даъвогарлик қилишади. Танлов комиссиясининг ҳулосасига кўра, 69,84 балл тўплаган Абдурасул Йўлдошев ғолиб деб топилди. Шундан сўнг, 45 гектардан ортиқроқ ерга эга «Абдирасул» фермер ҳужалиги тўзилади. Бу ҳақда туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарори ҳам чиққан. Фалвар эса шундан сўнг бошланди.

Даъвогарлардан бири — мазкур тендерда 69,07 балл тўплаган Холбой Аллаёров натижалардан норози бўлиб, турли идораларга мурожаат қилади. Унинг эъзичи, танлов ғолиби бўлган Абдурасул Йўлдошевнинг дипломи ҳам, меҳнат дафтари ҳам ва техника ҳужжатлари ҳам қалбаки экан.

Масалан, Абдурасул Йўлдошев тендер комиссиясига гўёки 1998 йилда Асака тижорат техникумининг «Саноат моллари товаршунослиги» факультетини сирдан тугатганини тўғрисидаги №128648-сонли диплом нусхасини топширади. Лекин у бу ерда ҳеч қачон ўқимаган. Бу эса меҳнат дафтари ҳам ясама бўлишига «замин» яратган. Шунингдек, у бошқа ҳужжатлар қатори бир қанча қишлоқ ҳужалиги техникаларининг қалбаки ҳужжатларини ҳам комиссияга тақдим этган. Амалдаги «Фермер ҳужалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тўғрисида»ги Низомнинг 25-банд 2-қисмида танловда

иштирок этиш учун ёлгон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар танловда иштирок этмаслиги айтиб ўтилган.

Ўтган йиллар давомида мазкур иш юзасидан 9 мартта суд бўлиб ўтди. Суд жараёнида Х.Аллаёровнинг қуноғанича борлиги ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан берилган 2006 йил

сари И.Абдуллаев ўрнига Ш.Ҳўжамқулов, аъзолари — Шўрчи туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи К.Арзиқулов ўрнига Х.Рашидов, туман меҳнат бўлими бошлиғи Р.Қулманов ўрнига А.Йўлдошев, «Шўрчи пахта» ОТАЖ раиси Ч.Жумаев ўрнига Т.Сунонов, шунингдек, Т.Ҳўжакелиев ва Х.Ҳофизовлар ҳам ушбу комиссияда қонунсиз иштирок этишган. Бу ҳам юқоридаги Низом талабларига мутлақо зид эди.

деб топиш ҳақидаги Шўрчи туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарори бекор қилинган ва қарор нусхаси маълумот ва ижро учун томонларга юборилган. Суднинг қарори чиқганига уч ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамайдан, ҳозирги кунга қадар ушбу суд қарорининг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмаганлиги Холбой Аллаёровнинг ҳақли эътирозига сабаб

Сохта диплом ва қалбаки ҳужжатлар

билан қўш тендер ғолиби бўлган шоввоз ҳақида

26 декабрдаги маълумотномада куйидагилар зикр этилган: «Асака тижорат техникуми томонидан Йўлдошев Абдурасул Раҳмоновичга 1998 йил 24 июнда берилган №128648-сонли диплом Асака тижорат техникуми (ҳозирги номи — Асака маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи)нинг архив ҳужжатларида рўйхатдан ўтмаган. Йўлдошев Абдурасул Раҳмонович исм-шарифли фуқаро ушбу таълим муассасасида тахсил олмаган... Ҳақиқатда эса №128648-сонли диплом 2003 йилда навоийлик Азиза Азимовага берилган экан...»

Жиноят ишлари бўйича Сароисий туман суди ўзининг ўтган йил 8 августдаги ҳукми билан Абдурасул Йўлдошевни юқоридаги ҳужжатларни сохталаштиришда айбли деб топди.

Қизғи, «Далварзин» ширкат ҳужалигини фермер ҳужалиқларига айлантириш бўйича 27 кишидан иборат комиссия тўзилган эди. Танлов фақатгина мазкур комиссия аъзолари иштирокида ўтказилиши лозим бўлса, комиссия раиси ўринбо-

Хуллас, 2007 йилнинг 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалиқ судининг кассация инстанцияси томонидан Шўрчи туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарори бекор қилинди. Жавобгар Шўрчи туманидаги «Абдирасул» фермер ҳужалиғи ҳисобидан даъвогар — «Эгарчи» деҳқон-фермер ҳужалиғи фойдасига 218 минг 500 сўм давлат божи ундирилди деган бўлди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқат қарор топди. Аммо...

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали танлов ўтказилгани йўқ. Натижада 45,6 гектар ер ҳамон аросатда. 2006 йилнинг 21 декабрда Шўрчи туман прокурори Исмаилов Меғнобев туман ҳокими Урол Бобоқулов номига куйидаги мазмунда тақдимнома киритган эди: «Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалиқ суди кассация инстанциясининг 2007 йил 18 сентябрдаги қарори билан «Далварзин» ширкат ҳужалигини қайта тақдим этиш комиссиясининг 1-7-лойихаси бўйича «Абдирасул» фермер ҳужалигини ғолиб,

бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 232-моддасида «Мансабдор шахсининг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажри ми ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўқнаш қилиши» каби ҳаракатлар учун шахсининг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур ариза ни ўз назоратингизга олган ҳолда, ҳолисона ҳал қилинишини таъминлашингизни сўрайман».

Аммо бу муаммо ҳам ҳалигача ҳал этилгани йўқ. Сўнгги сўз ўрнида: Яна бир янгиликни эшитиб, ёқамизни ушладик: яъни, Абдурасул Йўлдошев уша сохта диплом ва қалбаки ҳужжатлари билан Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат ҳужалиғида 2007 йил 9 январда ўтказилган тендер танловда ғолиб бўлиб, 27,71 гектар майдонда фермер ҳужалиғини ташкил этибди... Энди бунга нима дейсиз?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2008 йил манзил дастурига киритилган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун куйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шarti билан пудрат танлов савдоларини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №1:

Лот №1/1	Жиззах вилояти, Бахмал тумани, «Ойқор» ҚФЙ Сартюзи қишлоғида сув ўтказгич қурилиши
Лот №1/2	Жиззах вилояти, Бахмал тумани, «Тонготар» ҚФЙ Тонготар қишлоғида сув ўтказгич қурилиши
Лот №1/3	Жиззах вилояти, Бахмал тумани, «Узунбулоқ» ҚФЙ Муғол қишлоғида сув ўтказгич қурилиши
Лот №1/4	Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, Тوشкамар ва Дўстлик қишлоқларини сув билан таъминлаш

ЛОТ №2:

Лот №2/1	Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Бобур номли АХМ Қораёнтоқ ва Лойқа қишлоқларини сув билан таъминлаш
Лот №2/2	Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Охунбобоев номли ҚФЙ Арватин ва Тарақли қишлоқларини сув билан таъминлаш
Лот №2/3	Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Х.Носиров номли АХМ Зиёкор қишлоғини сув билан таъминлаш
Лот №2/4	Жиззах вилояти, Жиззах тумани, «Рават» АХМ Ардахшон қишлоғини сув билан таъминлаш

ЛОТ №3:

Лот №3/1	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Бодиўроқ қишлоғини сув билан таъминлаш
Лот №3/2	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Оқтош массивини сув билан таъминлаш
Лот №3/3	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Қутчи қишлоғини сув билан таъминлаш
Лот №3/4	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Лайлақуя қишлоғини сув билан таъминлаш
Лот №3/5	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Юқори ва Сармич-Жулангар қишлоқларини сув билан таъминлаш
Лот №3/6	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Сават» ҚФЙ Соҳибқор қишлоғини сув билан таъминлаш
Лот №3/7	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Ҳавотоғ» ҚФЙ Учтурғон қишлоғини сув билан таъминлаш.

Ишларни тугаллаш муддати — 2008 йил 1 августгача. Ишларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон: (8-372) 222-31-59, 222-30-11.

Романо Проди вақтинча лавозимида қолди

Пайшанбада Италия бош вазири Романо Проди истеъфога чиқиши ҳақида ҳукумат раҳбари Жоржо Неополитанога ариза берди, деб маълум қилади президент саройи ўз баёнотларида. Аммо президент янги бош вазир тайинланмагунча Проди ўз лавозимида қолишини айтган. Шу муносабат билан президент яқин кунларда собиқ президентлар ва икки палата раҳбар-



лари билан маслаҳатлашган, бирор қарорга келишини айтди. Конституцияга кўра, президент икки хил йўл тутиши — вақтинчалик ҳукумат тузиши ё ҳукуматни тарқатиб, янгидан сайлов ўтказиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, миллий парламент Сенати Продининг ҳукуматга билдирган ишонч вотумига қарши чиққач, бош вазир шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлган.




Баёнот қабул қилинмади

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши келишимчилик туфайли уч кунлик музокаралардан сўнг Газо сектори ва Исроил жанубидаги вазиятга оид баёнотни қабул қилмади, — деб хабар берди дипломатлар пайшанбада бўлиб ўтган ёпиқ музокаралардан сўнг. «Баёнот — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг энг муҳим ҳужжати эмас. Фаластин халқи бундай қалтис вазиятда Кенгашдан қўллаб-қувватлаш ва ўраб олишни тўхтатишни талаб қилишни кутмоқда. Айни вақтда араб мамлакатлари Кенгаш бир қарорга келмаган тақдирда Газо сектори бўйича ўзининг баёнот режасини тайёрлаган, деб хабар беради РИА Новости араб дипломатининг берган маълумотига таяниб.

Инсоният илдизлари қаерда?

Хитой археологлари тахминан 100 минг йил ер остида ётган инсоннинг бош суюгини топган, деб хабар беради РИА Новости. Махаллий ОАВнинг эъзичи, бу топилди инсониятнинг Африкадан келиб чиқиши ҳақидаги ҳулосаларни ўзгартириши мумкин. Ханань провинциясидан топилган бу суюк яхши сақланган ва 16 та қисмдан иборат. Бундан ташқари, олимлар 30 мингга яқин хайвон суюқларини ҳам топшига муваффақ бўлган. Маълумки, Хитой ҳудудидан суюк қолдиқлари топилмагани боис олимлар инсоният Африкадан тарқалган деган тўхтамга келган эди.



Коинотга чипталар сотиб бўлинди

Американинг Virgin Galactic компанияси дунёда биринчи бўлиб коинот туристик агентлигини очмоқчи, деб хабар қилади РИА Новости. ОАВга маълум қилинишича, SpaceShipTwo коинот кемаси шу йили фазога учини мумкин. «Бу оддий инсонларга фазода вазлик ҳолатидан завқ олишга ёрдам беради», — дейди компания раҳбари Ричард Брэнсон. Келгуси 12 йил ичида компания саёҳат кемалари сонини 40-45 тага етказмоқчи. Шу йил эса кунига уч-тўрт космик ракета саёҳатчиларни фазога олиб чиқиши режалаштирилган. Илк космик саёҳат 200 минг АҚШ долларига тушади, лекин бунга ерга қайтиш чиптаси кирмайди, деб ҳазиллашган компания вакиллари. Биринчи саёҳат чипталари сотиб бўлинди ва харидорлар ичида 88 ёшли йўловчи ҳам бор. Навбатда яна 85 минг киши фазога учмоқчи.

Рекорд даражага етди

Япониянинг энг йирик автомобилсозлик компанияларидан бири — «Тойота» 2007 йилда автомобиль савдоси бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, мазкур компания ўтган йили қарийб ўн миллион автомобиль сотишга муваффақ бўлган. Ушбу кўрсаткич 2006 йилдагига нисбатан олти фоизга кўпдир. Мутахассисларнинг фикрича, «Тойота» компаниясининг махсуслотларига, айниқса, Хитой, Россия ва Яқин Шарқ мамлакатларида талаб



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2008 йилда куйидаги иншоотлар қурилиши учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича қайта очиқ танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Тўда-Бойсун» сув қузури тармоғини қуриш. Иншоотнинг бошланғич нархи — 105,263 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.
 2. Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Деҳнажом» маҳалласини «Хўжамайхона» булогидан ичимлик суви билан таъминлаш. Иншоотнинг бошланғич нархи — 60,13 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.
 3. Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, «А.Набиев» ширкат ҳужалиғида сув қузури тармоғини қуриш. Иншоотнинг бошланғич нархи — 51,5 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.
 4. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, «Ижтимоят» ширкат ҳужалиғида сув қузури тармоғини қуриш. Иншоотнинг бошланғич нархи — 113,801 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.
- Иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

қавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавар» хитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:
Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Оферталарни очилиш куни ва вақтига-ча савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.
Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади:
Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар куйидаги шартларга: ўхшаш объектларни қуриш тахрибасига, танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдориди айланма маблағларни ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қароланомасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техни-

Қиш зийнати

Оқликка бурканмиш ҳар тегра-жониб, Дарахт нодалари, шохларида қор. Аммо мағлубликни тан олмай, тоғиб, Бир барг узилмабди наҳот умидвор?!

Аҳди қаттиқ бўлса курашмас қиш ҳам, Баҳорга ҳам етар бўлай, деб дуркун. Афсус, янги япроқ кўрсатар нишон — Унинг тутиб турган жойидан бир кун.

Ориф ТҶУХТАШ



Спорт

Шерали ЖҶРАЕВ:

«Рақобатдан қўрқсам, курашни танламасдим»



МАЪЛУМОТ УЧУН: Шерали Жўраев 1986 йил 13 декабрда Ғуздор туманининг «Пахтазор» маҳалласида туғилган. Оилада беш ўғилнинг ўртанчиси.

Кураш бўйича 90 кг. вазн тоифасида икки карра Ўзбекистон чемпиони. 2007 йил 24-29 октябрь кунлари Улан-Батор (Мўғулистон) шаҳрида ўтказилган VI жаҳон чемпионатининг 90 кг. вазн тоифасида олтин ва мутлак вазн бўйича кумуш медаллари соҳиби. Халқаро турнирлар голиби.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти тўртинчи курс талабаси.

— Шерали, бугун дунёнинг 102 давлатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Сиз жаҳон чемпиони ҳамда кўп халқаро турнирлар қатнашчиси сифатида миллий спорт туризмизнинг Олимпия ўйинлари дастуридан жой олиш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Адамасам, миллий курашимизнинг жаҳонга чиққанига бу йил ролпа-роса ўн йил тўлади. Бугун жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатда федерациялар ишлаётганлиги ўтган давр исиз кетмаганлигини кўрсатиб турибди.

Халқаро мусобақаларда гиламга чиқётган хорижий полвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, кураш бошқа халқларнинг ҳам сеvimли спорт турига айланиб бораётганлигини кўриб, фаҳрага тўласан, киши. Дунёдаги бир қатор номдор дзюдочи ва самбочиларнинг кураш билан шуғулланаётганликлари ҳам миллий спорт туризмизга қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги тасдиғидир.

Қолаверса, ҳозир деярли барча қитъа ўйинлари доирасида миллий кураш ўз тақдимотини муваффақиятли ўтказди. Менимча, қилинаётган саъй-ҳаракатлар вақти-соати келиб, албатта, ўз самарасини беради. Курашимизнинг Олимпия оиласидан жой олиши учун оддий бир полвон сифатида нима лозим бўлса, удалашга шаймиз. Мисол учун, Улан-Баторда ўтган жаҳон чемпионатида Ангола, Доминикан Республикаларидан келган спортчиларга айрим усулларни ўзлаштиришда кўмаклашдим.

Бугун «кураш», «халол», «чала», «ёнбош», «танбех» сингари ўзбекча лутфларнинг дунё халқлари тилида янграётганлиги эса ҳар биримизнинг қалбимизни гурур-ўфтихорга тўлдирши шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО СУХБАТДОШИ. Абдивоис ХАЙДАРОВ олган сурат.

новларисиз имтиёзли ўқишга қабул қилиндим. — Ўзбекистон — полвонлар юрти. Айниқса, жануб томонларда

кураш тушмаган йигитлар камдан кам топилади. Бу эса ҳар қандай полвон учун катта рақобат майдони дегани. Сизнинг ҳам терма жамоа таркибидан жой олишингиз осон кечмагандир?

— Болалгимда Баҳром полвон Авазовга жуда ҳавас қилардим. Ўзим гиламга чиқа бошлагач, билдимки, голиб бўлиш, ишқибозлар меҳрини қозониш осон эмас экан. Ҳар қандай спорт тури, жумладан, кураш ҳам кишидан нафақат куч, балки катта машаққат ва ирода, кучли тартиб ҳамда интизомни талаб қилади. Довруғи дунёга кетган полвонлар юртида эса мамлакатнинг бош жамоасидан жой олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермади. Кейинги икки-уч йилда қатор халқаро турнирларда, мамлакат чемпионати беллашувларида шохсунага кўтарилдим. Бунинг замирида аввало мураббийим Омон Тоймуродов, шунингдек, менга илк сабоқларни берган Элмурод ака Назомов директорлик қилаётган спорт мактаб-интернатдаги устозларимнинг катта хизматлари ётибди. Шу туфайли ҳамма гиламга чиққандан олдин ота-онам ҳамда

устозларимнинг берган ўғит ва насиҳатларини ёдга олам. Бу эса беллашув аввалдаги ҳаяжонимни босади. Терма жамоада рақобат доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Менимча, рақобат бўлмаса, полвонлар ўз маҳоратларини оширишдан, излашишдан тўхташди. Агар рақобатдан қўрққанамда мен ҳам курашни танламасдим.

— Утган йил сиз учун ҳар йилгидан-да муваффақият келди, десак муболага бўлмайди.

— Эришган галабаларни эслаш кишига завқ бағишлайди. Утган йили дастлаб Лондон (Буюк Британия)да ўтган Ислон Каримов халқаро турнирида кумуш медалга сазовор бўлдим. Сўнгра апрель ойида Термизда Президент соврини учун Ал Ҳаким Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий халқаро мусобақада бош совринни кўлга киритдим. Менга бир олам кувонч ва шодлик ҳада қилган беллашувлар ўтган йилнинг 24-29 октябрь кунлари Улан-Батор (Мўғулистон)да ўтказилган VI жаҳон чемпионати бўлди. Унда дастлаб ўз вазн тоифамда олтин медал билан тақдирланган бўлсам, мутлак вазн тоифаси бўйича финалда юртимизнинг етакчи полвонини Давлат Чориевга қарши гиламга чиқдим. Аммо ҳал қилувчи беллашувда менда бироз тажриба етишмади.

— Шерали, айтишларича, сиз кураш билан бошқалардан бирмунча кечроқ, аниқроғи, 14 ёшингиздан бошлаб шуғулланган экансиз-а?

— Йўқ-эй. Бизнинг Ғуздорда тўйлар курашсиз ўтмайди. Тўй курашларини биласиз, одатимизга кўра, навбати билан кекса отахонлардан кейин беш-олти ёшли болалар бошлаб беришади. Шу боис, илк маротаба курашга чиққанамда неча ёшда бўлганлигим аниқ эсимда йўқ. Лекин полвон бўламан деб аҳд қилганимда, ёшим ўн тўртга етиб қолган эди. Шу мақсадда 1999-2002 йилларда Ғуздордаги 76-сонли жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернатда ўқидим. Ана шу йилларда мураббий Дилшод Бердиевга шогирд тушдим ва ундан кўп нарсаларни ўргандим. Ўзбекистон биринчилиги ва «Махалламиз пахлавонлари» республика турнирларида муваффақият қозондим. Мен учун, айниқса, 2004 йил жуда омадли келди. Шу йили Жиззахда ўтган Ўзбекистон биринчилигида 83 кг. вазн тоифасида голибликни кўлга киритиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига тест си-

МДХ кубоги:

Бош соврин кимга насиб этаркин?



Футбол бўйича Санкт-Петербургда ўтказилаётган МДХ кубоги халқаро турнири баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг «Д» гуруҳида иштирок этган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мuddатидан илгари чорак финалга йўланма олганлигини хабар қилгандик. Гуруҳдаги сўнгги турда ҳамюртларимиз Белоруссиянинг БАТЭ (Борисов) жамоасига қарши майдонга чиқди. Мазкур ўйинда бош мураббий Равшан Ҳайдаров таркибининг етакчи ўйинчиларига дам берди. Натижада белоруссияликлар кичик фарқ



билан галаба қозонди — 1:2.

Чорак финалда «Пахтакор» футболчилари Латвиянинг «Вентспилс» жамоаси билан куч

синашди. Ёдингизда бўлса, пахтакорчилар ўтган йилги турнир финалида ҳам айнан шу жамоа билан рўбарў келганди. Унда

ўйиннинг асосий вақтида ҳисоб очилмаган ва пенальтилар сериясида омад вақилларимизга кулиб боққан эди. Бу гал ҳам худди шу манзара такрорланди. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Яқунда жамоалар ўз омадларини пенальтилар сериясида синаб кўриши — 7:6. «Пахтакор» — ярим финалда!

Чорак финалнинг қолган ўйинлари эса қуйидагича якуланди: «Зенит» (Россия) — «Каунас» (Литва) — 1:2; «Олимпик» (Грузия) — БАТЭ (Белоруссия) — 1:2; «Хазар-Ленкорань» (Озарбайжон) — «Шериф» (Молдова) — 2:2 (пенальтилар бўйича — 5:3).

Кеча кечқурун бўлиб ўтган ярим финал баҳсларида «Пахтакор» — Каунас», БАТЭ — «Хазар-Ленкорань» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Замондошларимиз хотираси

Ибрат — инсон безаги

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ.

Айниқса, истиқлолга эришиш ва уни мустақамлаш жараёнларига ўз ҳиссасини қўшган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб қилиш бизнинг бурчимиздир. Шу нуқтаи назардан, кейинги вақтда мамлакатимизда, хусусан, Қашқадарёда бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлар таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, воҳанинг қадимий ва янги тарихини аввало қашқадарёликларнинг ўзлари астойдил ўрганиб, кенг тарғиб-ташвиқ этмоқдалар.

Вилоятда мустақиллик йилларида бир-бирдан залворли муваффақиятларга эришилаётир. Бу ҳақда гап кетганда, наинки вилоят аҳли, балки таъдқиқоти ҳам ўлкашуносларимиз ҳам бу ютқларнинг тамал тоши Истиқлол арафасида қўйилган, деган ақид фикрни илгари суришади. Бу ҳаққоний баҳонинг замирида асосли ҳулосалар, ҳаёт воқелиги мужассам, албатта.

Уша даврда вилоят инқироз ботқоқидан бутунлай халос этилди ва воҳа ривожланишининг катта йўлига чи-

қиб олди. Бунда бутун воҳа аҳли вилоят раҳбарини катта ишонч билан қўллаб-қувватлади. Асл, фидойи инсонлар елкадош, ҳамкор, ҳамфикр бўлди. Қуёнчак, одил раҳбар яратган бошқарув мактабининг сабоғини олган кадрлар пайдо бўлди.

Вилоят зиёлилари томонидан Қашқадарё ҳаётининг турли қирраларини теран тадқиқ ва таҳлил этиш асносида, ана шундай инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Элим деб, юртим деб ёниб яшаганлар» туркумида китоблар яратилиши йўлга қўйилгани айни муддаодир. Кейинги даврда ушбу туркумда «Ажаб саодат» (Соиб Усмоновнинг ибратли ҳаёти қиссаси) ва «Нурли из» (Фармон Омонов ҳаётидан лавҳалар) номли дастлабки китоблар чоп этилди.

Фидойи инсон Соибжон Усмонов теран мулоҳазали, босиқ, мурсағуй, ўз қарашларини фаол ҳимоя қиладиган, журъатли, бир сўзли инсон эди. Ана шу хислатлари билан у нафақат халқимиз, балки Юртбошимиз назарига тушган, иззат-хурматига, эътирофу эъзозига сазовор бўлганди.

Соибжон ака вилоятда турли идораларда узоқ йиллар хизмат қилди, муҳими, қаерда ишламасин, ҳаммиша одамларни ўйлаб яшади. «Ажаб саодат» китобида қайд этилганидек, у ҳам маъсулиятли вазифада, ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати сифатида фойда ибратли фаолият кўрсатиб, Қашқадарёнинг Истиқлол йилларидаги юксалишу ютқўчларига улкан хисса қўшди.

Хурият даврининг яна бир фидойисини Фармон Омонов эса турли йилларда Қашқадарёнинг учта йирик туманини муваффақият билан бош-

қарган, вилоят раҳбариятида ва республика Қўшлоқ хўжалиги вазирлигида масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Фармон ака Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган илк кунлардан бошлаб то умрининг охиригача ушбу тўнғич партиянинг Қашқадарё вилоят кенгашига раислик қилган моҳир раҳбар ва жамоат арбоби эди. Фармон ака ҳаётиги чоғида у киши билан Тошкентдаги турли тадбирларда, вилоятга сафарлар давомида мулоқотларда бўлиб, катта инсоний фазилатлар соҳиби эканлигига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Ана шу фидойи замондошларимиз хотирасига бағишланган мазкур китоблар (Муаллиф — танқил журналист Юсуф Бердиев) биографик йўналишдаги янги асарлар бўлиб, улар икки қисмдан — ҳужжатли қисса ва хотиралар тўпламидан иборат. Аввало, ҳаётий фактисоллар, кузатувлар, бадийий-публицистик мақолалар, қолаверса, қаҳрамон замондошларининг дил сўзлари асосида ёзилганлиги ушбу китобларнинг ўқишлигини оширган. Саҳифалардаги суратлар эса ҳикояларга янада мазмундорлик бағишлаган.

Мухтасар айтганда, мустақилликнинг самараларини ёрқин мисолларда тасвирлаш, ибрат кўрсатиб яшаётган юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатини тараннум этиш бугун миллий публицистикамизнинг ўзига хос жиҳатига айлангани назарда тутилган ҳолда, муаллифнинг «Ажаб саодат» ва «Нурли из» китоблари бу борада алоҳида ўрин тутишига ҳамда китобхонни берафқ қолдирмаслигига ишончимиз комил.

Акмал САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор.

Ҳаёт сирлари

Бахт тажассумининг саккиз омили

Кунлардан бир кун иқтисод фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаев билан хизмат юзасидан кўнгироклашиб қолди-у, гап айланиб, уч мингича йил сари саккизинчи йил бошлангани, ўша кун нақ саккизинчи январь — саккизинчи кун эканлиги ва телефондаги сўхбатимиз ҳам айни соат 8.00 да бўлаётганига тақалди-ю, гурунғ яна ҳам кўр олди.

— Биласизми, — деди олим, — инсоннинг бахти ҳам донишлар зикрича, аслида саккиз омиладан иборат...

— Қани, айтинг-чи, — қизиқсиндим. У киши бу омиллари дона-дона айтганидан фойдаланиб, мен тез-тез ёзиб олишга тушдим:

«КИШИНING тан-жони соғ бўлса;

ОИЛАВИЙ аҳволдан ўзи рози ва умр йўлдоши ўзига мос, қаноатлантирарли даражада бўлса;

БОЛА-чақаларидан кўнгли хотиржам бўлса;

ҚАНОАТЛИ, ўз нафсини ва орзу-ҳавасларини жиловлаб ололган бўлса;

ОИЛАДА, қариндош-уруғлари олдидан ва

жамиятда обрўси, нуфузи бўлса; КАСБ-кори, машғулотни ўзига ёқимли, иқтисодий аҳволи яхши ва мўътадил оқилонга ҳаёт кеңибди юрса;

ШОДЛИК ва қайғуга бирдек бепарво бўлиб, осойишта ҳаётдан мамнун бўлиб, ҳар бир ишда мўътадиллик қондасига амал қилса;

БАРЧАГА, ҳар бир нарсасига меҳр-муҳаббат, шафқат, инсоф назари билан қарай билса, илмга, билимга интилиб, ибодатини қилиб юрса, инсон ўзини бемалол бахтиёрман деб ҳисоблайвериши мумкин...

Гўшакни қўйиб, анчагача мен ҳам улар ҳақида ўйлаб турдим ва ҳулоса қилдим:

— Қаноатини билган ҳар бир инсонга чинданам ўша саккиз омиладан, саккиз ҳолат, саккиз амал — кифоя. Ҳазрат Умар Ҳайём айтган эканлар:

Кимнингки, бор эрса бир бурда нони,

Ўзига яраша уй — ошённи,

На биров унга қул, на у бировга,

Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Пойтахтдаги тасвирий санъат галереясида «Тоғлар олами» деб номланган кўргазма бўлиб ўтмоқда. Юртимизнинг бетакрор табияти, тоғлар бағрига уюштирилган саёҳатлардан олинган бой таассуротлар натижасида ташкил

топган ушбу кўргазма Тошкент халқаро тоғ саёҳатлар клуби жамоасининг икки ярим йиллик фаолияти самараси бўлиб, бу ерда номийш этилаётган асар муаллифлари асосан клубнинг хорижий аъзоларидир. Улар орасида Тим Геттер, Борис Карпов, Анжелика Рик, Стояна Рисунова, Вадим Мясников каби фотоҳаваскорларнинг мамлакатимиз тоғлари манзараси, ўсимлик ва ҳайвонот олами акс эттирилган суратлари томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Суратда: кўргазмадан лавжа.

Table with various sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Kotibiyat, Reklama va e'onlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV; «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi; Korxonalar: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 50; 15774 nusxada bosildi; t — Tijorat materiallari; O'za yakuni — 21.20; Toshirilgan vaqti — 22.10; 1 2 3 4 5 6 8; Sotuvda erkin narxda